

Холикова Наргиза Бахтиёрновна

“Көвүл үсімлиги ва унинг аҳамияти”



Илмий-оммабоп құлланма

Наманган – 2020 йил

Ушбу қўлланма илмий – оммабоп қўлланма тарзида тайёрланган бўлиб, у омма учун фойдаланишга мўлжалланган. Ушбу қўлланма ковул ўсимлиги ҳақида бўлиб, ҳозирда дунё ўсимликшунослари томонидан ўрганилган янгиликлар, турли давлатлар табобати ва пазандачилигига асосланган манбалар бўйича яратилди.

Тузувчи:

Н. Б. Ҳоликова

Тақризчилар:

Наманган Давлат Университети,
кимё кафедраси профессори:

кимё фанлари доктори
Ш. В. Абдулаев

Наманган мұхандислик-қурилиш
институти профессори:

техника фанлари доктори
Н. Г. Бойбобоев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти

Наманган мұхандислик – қурилиш институти Илмий-услубий
кенгашида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган.
(5 октябр 2018 йил. Баён № – 2)

*Бу табарруқ заминда шифо бўлмайдиган ашёнинг
ўзи йўқ.*

Тибет табобати фалсафаси

*Ковуллар – ёшлиқ ва гўзаллик манба-и,
ўсмалардан (саратон) ҳимоя қилувчи ўсимлиқдир*

Кириш

Ер юзида ўсадиган ўсимликларнинг жуда кўпи ўзининг шифобахш хусусиятлари билан ажralиб туради. Инсон ўсимликлардан фақат озуқа сифатида фойдаланибгина қолмай, озиқ-овқат, тўқимачилик, қофоз, кимё ва фармацевтика саноатлари ва бошқалар учун хом-ашё манбай сифатида ҳам фойдаланади. Атрофимиздаги яшил дўстларимиз доимо ўзларининг беминнат ҳизматларини ўтаб келишмоқда. Жаннатмакон юртимизда тўрт фаслнинг ўз вақтида хукм суриши натижасида жумхуриятимиз иқлимининг такрорланмас, ўзига хослиги сабаб турли табиий ва шифобахш гиёҳларга ўта бойдир. Қадимдан ота-боболаримиз бу заминнинг бекиёс неъматларидан турли мақсадларда фойдаланиб келишган.

Афсусланарли томони шуки ўзимизнинг ёнгинамида барқ уриб ўз кўркини таратиб ўсиб турган ўсимликларимизнинг қадри йўқолиб бораётгандай.

Озуқ ва дори сифатида истеъмол қилиб келинган баъзи-бир шифобахш ўсимликларнинг турлари унутилиб борилмоқда. Лекин тиббиёт ҳодимлари ва халқ табобати билан шугулланувчи табибларнинг самарали харакатлари билан қадимий ёдгорликларда келтирилган манбаъларга асосан турли-хил ноёб, ён-атрофимизда ўсиб келаётган, кенг тарқалган, арzon ва фойдали истеъмолга яроқли ўсимликларнинг турлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида доривор ўсимликлар тайёрлаш ва уларни қайта ишлаш муҳим саноат тармоғига айланди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибида ташкил этилган "Шифобахш" илмий-ишлаб чиқариш маркази ушбу соҳада самарали фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимизда доривор ўсимликларни маданий ҳолда экиш ишлари 1992 йилда бошланган.

Мамлакатимиз турли хил касалликларни доривор ўсимликлар асосида даволаш бўйича ўзининг кўп асрлик анъаналарига эгадир. Буюк юртдошларимиз Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Синодек мутафаккир олимларимиз томонидан қадимда тиббиёт амалиётида

кўллашга тавсия этилган бой меъросимиз асосида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа бир қатор олийгоҳлар томонидан илмий асосланган ва клиник синовлар натижасида ўз тасдиғини топган республикамиз бой ўсимликлар дунёсининг намуналари бугунги кунда тиббиёт амалиётида ўз ўрнини топмоқда.

Минтақамизда кенг тарқалган ковул ўсимлиги ҳам шулар қаторидадир. Ҳозирда ковул ўсимлигидан нафақат доривор ҳом-ашё сифатида, балки озиқ-овқат маҳсулотларига яроқли ажойиб хушхўр зиравор восита сифатида ҳам фойдаланилмоқда.

Дунё бозорларида бу ўсимликнинг ўз ўрнига эгалигини айниқса, Республикамиз Президенти хурматли, Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг Наманган вилоятига 2017 йилнинг июл ойидаги ташрифлари вақтида ўзларининг ижобий фикрларини билдиришлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шифобахш ўсимликни маҳаллий усулда, хонакилаштирилган ҳолда кенг миқёсда экишни наманганлик дехқонларимиз томонидан таклифи берилганда, давлатимиз раҳбари, бу таклифни ижобий қўллаб, бундан кейин кам ҳосил берадиган, зарар кўриб ишлаётган туманларда пахта ва ғалла майдонларини кескин камайтириш, унинг ўрнига юқори даромад берадиган мева-сабзавот, полиз экинларини экиш лозимлигини таъкидлади. Токи одамларимиз меҳнатининг роҳатини қўрсин, ҳаётидан рози бўлсин. Наманган вилояти худудидаги паст рентабелли адирларда ёнғоқзор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ковул экишни ташкил қилишни ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ҳам бўлиб ўтган.

Наманган вилоятининг тоғли ва адирли зоналари бўлмиш Чорток ва Янгиқўргон туманларини ковул зоналарига айлантириб, ковул етиштиришни кенг йўлга қўйилишига рухсат бердилар.


Президент ковул етиштириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш, экспорт қилиш механизмини яратиш, вилоятда ковулчиликни ривожлантириш бўйича ассоциация ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берганлар.

Бу жуда ҳам шифобахш ва сердаромад ўсимликдан оқилона фойдаланиб, уни экиб, парваришлаб ундан олинган ҳом-ашёни қайта ишлаш натижасида минтақамизда яна бир экспортбоп озиқ-овқат маҳсулотининг дунё бозорларига экспорт қилинишига эришилди. Ҳозирда Наманган вилоятининг Поп туманида ковул ўсимлигини етиштирилган ва ёввойи ҳолда ўсуви ковуллардан йиғиб олинган ҳосилларини қутилилган ҳолда дунё бозорларига сотишни йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 2-3 май кунлари Наманганга қилган расмий ташрифлари мобайнида ўтган йилги топшириклари асосида Наманган вилоятида ковул ассоциациясини яратилиб, ковул ўсимлигини маҳаллий равишда етиштириш бўйича берилган топширикларни ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишди. Унга асосан, Чуст ва Чорток тумани дехконлари томонидан ковул етиштиришни кенг йўлга қўйилди.

Халқ орасида кавар деб ҳам аталадиган ушбу ўсимлик шифобахи хусусиятга эга бўлиб, ушбу илмий-оммабоп қўлланмада ковул ўсимлиги ҳақида батофсил ва қизиқарли маълумотлар берилган.

Ковулning тарқалиши



Тиканли ковул Ўрта Осиё ва Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон (шимолий худудларидан ташқари), Арманистон, Дөғистон, Покистон, Ҳиндистонда, жанубий Қрим ва шарқий Кавказнинг тоғ ва тоғолди худудлари, айниқса, курорт худудлари Алушта, Судак ва Феодосия йўлларининг унумсиз сланецли тоғ-қояларида ёввойи ҳолда ўсиб, йўлларнинг ландшафт қисмига ўзига хос гўзал кўрк бахш этади.



Табиий равишда Грузиянинг шарқий ёнбағирлари, қияликларининг қуруқликларида ва яримчўл худудларининг сертупроқ, лойли ерларида учрайди.

Украина, Ғарбий ва Жанубий Европа, Франция, Ўртаерденгизи қирғоқлари, унинг қуруқ туманлари, Туркия, Греция, Алжир, Испания, Италия, Кипр ороллари, Филиппин,

Марокашда, Африка миңтақаларининг қуруқликларида (шимолий қисмлари), Шимолий Америка – Канада туманлари, Калифорния,




Озарбайжон, Туркманистон, Эроннинг кумли чўлларида кенг тарқалган бўлиб, тепаликларда, майда тошли (шағалли), лойли, гилли, тупроқли, сертупроқ серлой ерлар, адирларда, шўр, шўрхок (тупроғида туз кўпроқ бўлган) ерлар, қуруқ тошли жойлар, қуриган ариқ ёқаларида, йўл ва поезд йўли четларида,



экинзорларда, ташландик ва бошқа қуруқ ерлар, қоя-тошлар, тошқотишишмаларда (шагал ва қотишишмадан иборат төг жинси), дарё ёнбағрлари, жарликларда ёввойи ҳолда ўсади. Каспий денгизининг қирғоқ худудларида грунт сувлари яқин туманларда яхши ўсади.



Улар табиий равишда сочиливчан ерлар ва вулқонли қояларда ўз-ўзидан ўсишга мослашган.



Ковулнинг ватани – Марказий Осиё ва Ўртаерденгизи мамлакатлари хисобланади.

Унинг ҳақиқий ватани – Ғарбий ёки Марказий Осиё бўлсада, ковул ёввойи ҳолда Ўртаерденгизининг ҳамма ҳудудларида, Осиёning четлари ва Европада ўсади. Франция, Греция, Алжир, Испания, Италия, Кипр ороллари, шимолий Африкада ҳаттоқи Шимолий Америка давлатлари, Австралияда ковулни хонакилаштирилган ҳолда кенг миёсда етиширилади.



Бу ўсимликни етиширишда римлик ва греклар дунё бўйича биринчилардандир.

Ноёб ўсимликлардан ҳисобланмайди

Ковул – ўсимликнинг очилмаган гулшоналарини, айнан, шундай ном билан аталади.

Ўсимликнинг номи Эрондаги Даشت-Кавир чўли билан боғлиқ ҳолда аталган. Чунки ковул бу ҳудудларда энг кўп учрайдиган ўсимлик сифатида ажralиб туради.



Бу ўсимлик Франция, Испания, Италия, Алжир ҳамда Кипрда, Греция ва Шимолий Америкада маданийлаштирилган бўлиб, ландшафтларнинг безаги ҳисобланади.




Ўзбекистон минтақасида эса Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларининг тупроқлари ва ер тури ковулларни ўсишига мослашганлиги учун ёввойи ҳолда жуда кенг тарқалган.

Улар бизнинг ҳудудларимизда тоғ ва тоғолди ерлари, даштлик ва яримдаштликлар, жарликларда, йўл ёқаларида, ташландик ерлар, тош деворлар ёриқлари, тошликлар, куруқ ва сувсиз ерларда, канал бўйларининг шағалли, субқумлок, қуёш нури тўғридан-тўғри тушадиган ерлар, заиф тупроқлар, оҳактошли тупроқларда, бетон ёриқлари орасида, сувсизликка чидамли ҳолда ёз чилласининг жудаям иссиқ қунларида яшашга мослашиб ёввойи ҳолатда ўсади. Ковулларни ҳаттоки уйларнинг бетон-ғиштлари орасидан ёриб чиқсан ҳолатда ўсаётганини кўриш мумкин.

Маҳаллий ковуллар Наманган вилоятининг дашт-адирликларида жуда кенглаб ёввойи ҳолда тарқалган.

Бу ажойиб ўсимликни ҳаттоки Наманган шаҳрининг энг марказий кўчаларида ҳам учратиш мумкин.





Италияда ковулнинг энг яхши навлари Эольск ороллари, Пантеллария ороллари, Сицилия ва Тунис яқинидаги вилоятларда ўсади.



Хозирги вақтда бу ўсимлик Италия, Испания, Болқон яримороллари, Франция ва Алжирда хонакилаштирилган ҳолда тарқалган. Айнан шу давлатлар ва туманлар бозорга ковулнинг энг яхши навларини сотувга чиқарадилар. Улардан пазандачилик мақсадида фойдаланиш қадимий Греция ва Римда антик давлардан бери бошланган.

Антик давлардан бери бу зиравор ўсимлик бу давлатларда кучли **афродизиак** ҳисобланган.

Ковулни истеъмол қилувчиларнинг фикрича, гулшоналари қанча кичикроқ ҳажмда бўлса, катта ҳажмлилариiga нисбатан шунча, юмшоқроқ таъмга эга бўларкан.



Жаҳон бозорига биринчилардан бўлиб ковулларни етказиб берувчилар – Эрон, Марокаш, Туркия давлатлариридир.



Тарихга назар

Ковулнинг фойдали хусусиятларини грек ёки италянлар эмас, балки ўзимизнинг ота-боболаримиз яратишган. Уларнинг ватани Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ҳисобланган. Ҳаттоқи, эски манбаларда, ковулларни Қадимий Месопотамида истеъмол қилинганини келтирилган. Араб карвонлари орқали ковул Апеннин ва Ибер яриморолларига келиб, шундан сўнг Ўртаерденгизининг бутун худудларига тарқалган. XIII – XIV асрларда Европанинг бошқа худудлари Генуа, Флоренция ва Венеция савдогарлари ковулларни олиб келишни бошлаганлар. Албатта, фақатгина бой одамларгина, бу экзотик гулларнинг маринадланган гулшоналарини сотиб олиш имкониятига эга бўлишган холос. Аммо, тарихий манъбаларга асосан XIX асрларгача ковуллар бизнинг ота-боболаримиз учун жудаям машхур бўлган. Охирги юз йилликларда ковуллар бизнинг дастурхонимиздан йўқолиб борди, ва фақатгина кейинги йиллар мобайнида биз уларнинг фойдаларини яна очмоқдамиз.

Фанда ковулнинг 400 га яқин тури маълум. Ўзининг бир қатор фойдали хусусиятлари билан ажralиб турадиган бу ўсимликнинг юртимиизда икки хил тури ўсади.



Кавар, ковул – *Capparis L.*

Ўзбекистонда мазкур оиланинг З та туркуми учраб, аниқлагичга фақат битта кенг тарқалгани тиканли кавар, ковул – *Capparis Spinosa* деган тури киритилган.¹

*Capparis Spinosa*ning шохлари ер бағирлаб ўсувчи ва шохлари кўтарилиброк ўсадиган тури ўсади. Баъзи турларининг пояси, барглари ва гул ғунчаларининг ён қисмлари тўлиқ яшил рангда бўлади. Ковулнинг бу турини гуллари оппок гуллайди.



Иккинчи турининг шохлари, барг орқалари, гул шоналарининг тумшуқ қисмлари тўқ қизил – сирен рангли бўлиб, гуллагандага ҳам гул япроқларининг, гул попукларининг ранглари тўқ қизил – сирен рангли бўлади.

С. Холиков ва бошқ. Ўсимликлар аниқлагичио Тошкент: “Ўқитувчи” 1995 йил¹



Бу иккала турда ҳам тиканчаларнинг борлиги қузатилади. Ҳудди шу кўринишли, тиканли ковуллар ковулнинг *Capparis spinosa* L. турига мансубдир.



Ковуллар – аслида мева эмас, тиканли Ковул *Capparis spinosa* (ковулдошлар оиласи) бута ўсимлигининг гул шоналари бўлиб уни республикамиз сабзавотчилик мактабида ўрганилиб, истеъмолга шифобахш ва зиравор ўсимлик сифатида тавсия этилади.

Турли давлатларда етиширилади.

Ковул уруғлари қушлар томонидан узоқ масофаларга олиб кетилади, шу сабабли ўсимликнинг тарқалиш майдонлари жуда кенгdir.

Ўсимлик табиати ҳақида

Ковул ўзининг ажойиб чидамлилиги билан, энг оғир шароитларда ҳам ўсади. У иссиқ ва совуққа, сувсизликка ва ернинг нокулай шароитларига мослашгандир. Талмудда, ковулни ўсимликлар орасида энг чидамли ўсимликлардан бири – деб ҳисобланади.

Ковул ўсимлиги ҳақиқий “чидамли” деган номга муносиб ўсимлиkdir. Бу ўсимлик ўсишдан тўхтамайдиган ўсимликлардан бўлиб, боғлар ёки далаларда ўсаётган ковулни илдизи билан суғуриб олинадиган бўлса, унинг атрофларидан ўнлаб ўсимлик униб чиқар экан. Бута ўсимликни эски шоҳларини тагидан кесилса, кесилганларидан ҳам кўпроқ янги новдалар ўсиб чиқади. Ковуллар деярли ҳеч бир ўсимлик яшашга қодир бўлмаган жойларда яшай олгани учун, биз уларни турли

ёриқлар ва тошликлар орасида, тогу-тош ўйиқлари орасида ўсаётганини кўришимиз мумкин.



Ковул ҳақида жуда қизиқ маълумот

Бу ўсимлиқ Кипр оролларида жудаям кўп ўсганлиги сабабли, “Каперс” сўзи юонча Кипр (Кипрос) ороллари номидан келиб чиқкан” деган талқинлар ҳам мавжуддир. Ковулнинг баъзи бир турлари Кавказ ва Крим тоф-қояларида ўсади. Ковулни арманчада – “капар”, грузинчада – “капари” деб номланади. Татарча номи эса – ялама ва «шайтон тарвуз»дир.

Библия асарларида ковулнинг мевалари афродизиак хусусиятга эга эканлигини кўрсатилган. Меваларини иврит (қадимий яхудий тили, ҳозирда Исроил давлатининг расмий тили)да abiyyonah (אֲבִיּוֹנָה) – (орзу) номидан келиб чиқкан атама билан аталган.




Мифология

Яхудийликда: Эски Аҳд (Ветхого Завета)нинг икки энг қадимий курбонлиги аслида, худога эмас, дастлаб маъбудага бағишиланган, икки илохий ўсимлик – кедр ва тахминан ёввойи ковул (бошқа талқинларда – иссопа) билан боғлиқлигини билдиради. Ёввойи ковул эса, яхудийлик анъаналарида шон-шуҳрат маъносини англатувчи дарахт (Вениаминаиссон дарахти) ҳисобланган. Кедр ва ковулнинг мифологик бирлиги, қуёшнинг ёз ва қиши ойларида кунни чиқишидан, то ботгунига қадар босиб ўтадиган йўлини ифодалаган.



Тицианнинг киссаси, Ариадн ва шароб Худоси Диониснинг учрашуви сахна кўринишида, курбонлик учун келтирилган бузок туёқлари орасида ковул гулини тасвирлаб, ковул гули – ҳаётга бўлган севги ва муҳаббат рамзи эканини тасвирлаган.

Рамзийлик



Экклесиаст китобида ковуллар инсон куч-кудратининг рамзий маъносини англатиб, ивритда ёзилишича ёвойи ковулнинг шираси хоҳиш-истак, эҳтиросларни кучайтириш хислатига эга, деган тушунчани англатади.

*И цветы миндаля опадут,
И наестся саранча,
И осыплемется қаперс желанья –
Ибо уходит человек в свой вечный дом*



“Кавар” сўзини Эроннинг энг катта чўллари Дашти-Кавир (форс тилида худди “кевир” атамаси сингари) номлари билан боғлиқ деган талқин, фикрлар ҳам мавжуд. Халқимизда Кавар номи билан тарқалганлиги бунинг мисолидир.

Ковул мевалари ширин ва сувли бўлиб, худди кўринишидан тарвузни эслатади. Шунинг учун, уни ҳаттоқи маҳаллий тилимизда “Тулқи тарвуз”, “Говул”, “Туя товон” деб ҳам аталади.



Кўпгина европа тилларига “каперс” номлари юонча *carparis*, юончага эса – Ўрта ва Яқин Шарқча номлари “кевир” атамаларидан кириб келган. Қиёсий маъноларда: русларда “каперсы”, французча “capres”, олмонча “карг”, италянча “cappero”, норвегияча “kapers”, швецча “kapris”, данияликларда “kappertjes” деб номланади. Португалчада – “alcaparra” ва испанча – “alcaparron” номидаги арабча

“al” кўшимчасининг қўшиб аталashi – ковулларни бу араб давлатларидан келганлиги билан изоҳланади. Ҳиндистонда турли диалектларда ковулни “kabra”, “kabarra” ёки “kobra” деб номлайдилар. Ўсимликнинг *spinosa* (тиканли маън.) тури майда тукчалари борлиги билан изоҳланади, лекин қўпчилик этиштириладиган навларда тукчалар бўлмаслиги мумкин.

The Plant List саҳифаларининг маълумотларига асосан (2013 йил) ковул ўсимлигининг 181 тури кўрсатилган:

Ковулнинг юқорида айтиб ўтилганидек бошқа турлари ҳам кўп тарқалган бўлиб қуида уларнинг навлари ва шу навлар ўсадиган ватани келтирилган:

Capparis crotonantha Standl., эндемик Панамы.

Capparis heterophylla Ruiz & Pav. ex DC., - Эквадорнинг субтропик ва тропик ўрмонлари.

Capparis masaikai H. Lév., Хитойнинг субтропик худудлари Юньнань провинциясида ўсади, Хитой миллий табобатида уруғларидан фойдаланилди.

Capparis mirifica Standl., – Панамадаги йўқолиб бораётган тури.

Capparis mollicella Standl., – мексиканча тури.

Capparis mucronifolia subsp. *rosanowiana* (B. Fedtsch.) Inocencio, D. Rivera, Obón & Alcaraz [syn. *Capparis rosanowiana*] Жанубий Тожикистон эндемиги, қўриқхона назоратида турди.

Capparis pachyphylla Jacobs – Ҳиндистонда тарқалган тури.

Capparis panamensis Iltis – Панамада йўқолиб бораётган тури.

Capparis sandwichiana DC. – Гавайя оролларида тури.

Capparis spinosa L. typus [6] – Тиканли ковул

Capparis spinosa subsp. *nummularia*

Capparis spinosa subsp. *Rupestris* (Sm.) Nyman

Capparis spinosa subsp. *Spinosa*

Capparis sprucei Eichler, Перу эндемиги.

А. Ф. Гаммерманнинг қайд этишича (1973 йил), бу ажойиб ўсимлик ўзининг яшаси учун энг нокулай ерларни танлаган. Унинг яшил чамбараклари яримчўлнинг қайсиdir йўлларидағи қизиган тошлар ораларида учрайди ва бу шароитда у нафақат тирик қолиш, балки меъёрда гуллаб ва мевалаб, яшаси учун қурашишига тўғри келар экан.

Ковулдошлар оиласига (*Capparitiaccae*) мансуб тиканли ковуллар (*Capparis spinosa* L.) қаттиқ яшаш шароитларига мослашган ҳолда, Озарбайжон ва Туркманистоннинг Кура-Аракс водийсининг баъзи пасттекисликлари (дengiz сатҳидан метр баландликдаги ерлар), ер ости сувларининг катта чуқурликларда жойлашган ерларида “Ковулли яримчўллар” деб аталувчи майдонларни ҳосил қиласди. Ер ости

сувларига етишиш учун ўсимликлар 10 метр ва ундан узуроқкача, чукурроқ чўзилган кучли ўқилдизлар ҳосил қиласи.



Бу яримчўлларда ковулнинг буталари 3 – 4 метр оралик масофаларда тарқалган.

Ковул тарихига оид биринчи ёзма маълумотларга қараганда у эрамиздан аввалги 2700 йилларга тегишли бўлиб, ковул мевалари адабий ёдгорликларнинг энг қадимги эслатмаси – “Гильгамеш Эпоси”да (айсория-бобил адабиётининг ёзма ёдгорлиги, жаҳон адабиётининг фалсафий-ахлоқий фазилатга эга бўлган дастлабки достон ва адабий асари) эслатиб ўтилган. Маълум бўлишича, бу ўсимлик савдоси билан қадимдан юононлар шуғулланишган ва унинг лотинча номи айнан, Юнонистоннинг Кипр ороллари билан боғлиқ экан.

Бу тиканли ўсимликларнинг илдизлари жуда чидамли бўлиб; денгизнинг шўр сувларига бардош бериб, қоялар устида иссиқни кўтарган ҳолда ўсишга мослашган экан.



Қовулни ҳаттоқи Иерусалимдаги машхур Плача деворларининг тофтоллари оралиқларидан пастга бир неча метр узунликда осилиб шохлаган ҳолатда ўсаётганини ҳам қўриш мумкин.



Қадим-қадимдан ҳамма қисмларидан зиравор ва доривор восита сифатида фойдаланилган.



Ҳаётсевар ва чидамли қовул ўсимлиги бутун ёз мобайнида гуллаб, ўзининг қатта чиройли оқ гулларининг шираси билан ҳашоратларни, мевалари билан эса, қушларни боқади.

2. Қовулнинг биологик ҳусусиятлари, вегетатив даври

Қовул – Қовулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, лианаларга (ярим бута – ўт ўсимлик) мансуб, илдиз қисми кучли бўлганлиги сабабли кеч кузгача ўсиб туради.



Ӯсимлик ҳашоратлар томонидан чангланади. Ӯсимлик чумолилар ва қушлар орқали ташиб кетилган уруғларидан кўпаяди. Ӯсимликини табиат жонзотларидан – ҳашоратлар ва қушлар истеъмол қиласи. Ҳайвонлар истеъмоли заҳарлидир. Шу сабабдан ӯсимлик қишлоқ ерларда безарар ўсади. Инсонлар истеъмоли учун жудаям фойдали бўлиб – шифобахшдир.

Биологик авфзаллиги

Ӯсимлик ёруғликни севувчи, қурғоқчиликка чидамли бўлиб, бир жойда 15 йил мобайнида ўсиб туради (айрим манбаъларда 30 – 50 йиллик ковулларни ҳам келтирилади). Ӯсимлик қуруқ ва иссиқ иқлимга мослашгандир. Ковуллар ёзнинг + 40 даражадан юқори иссиқларига ва қишининг – 8 даражали совуқларига чидамли ӯсимлиkdir.

Ботаник ҳусусиятлари

Пояси – ер бағирлаб судралиб ўсувчи ёки бир оз кўтарилиган, тиканли, шохланган, узунлиги 1,5 м.дан – 2,5 м.гача бўлади.



Юқорида айтиб ўтилганидек Ўзбекистонда ковулнинг икки тури мавжуд, бирининг кўриниши яшил рангда ва иккинчисининг кўриниши яшилтўқ сирен ранглидир.

Иккинчи турининг ёш новдалари майда тукчалар билан қопланган бўлиб, кейинроқ улар тўкилиб кетади.



Ковулнинг ботаниқ тузилиши



Барглари – этдор, юмалоқ, тескари тухумсимон ёки эллипссимон, овал бўлиб, қисқа банди ёрдамида поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Баргининг учки қисми ўткир, барг сўнгти сарғиш рангда бўлиб, учи худди тиканчали равишда тугайди. Баргларининг ички томонлари майда туқчалар билан қопланганлиги сабаб ўзида намликни сақлаб туради. Ўсимликнинг бундай ўзига хослиги иссиқ иқлим ва кургоқчиликка чидамлилигини оширади.



Ковул ўсимлигининг барглари



Ковул гуллари жуда чиройли гуллайди.

Туллари – иирик, оқ рангли (гуллаб бўлгандан сўнг қизаради), чақнаб турган тўрт бўлакли гуллари узун банди билан барг қўлтиғида ажралган ҳолда жойлашган. Дастреб оқ рангли, гул япроқлари охири эса пушти-сирен ранг ёки сарғиш рангга киради. 4 та гул коса барги бўлиб, гул баргларининг диаметри 8 см.гача бўлади. Уларни ўртасида жуда кўп миқдорда оталик ипчалари жойлашган, марказида эса оналик уруғчаси бор. Шу оналик уруғчасидан ковул меваси ҳосил бўлади.



Оталиқ ипчалари жуда бежирим (худди қүёш нурларига ўхшаш), узун, нафис сирен рангли бўлиб гулларга ёрқинлик ва беғуборлик беради.



Гуллари жуда оз яшайди: улар кечга яқин очилади ва тонг келиб, кундузи қүёш нурларининг иссиқларидан гул япроқлари ва тичинкалари сўлиб, куриб қолади.




Гуллаш май ойидан бошланиб, бутун ёз мобайнида давом этиб, кузнинг иссиқ кунларигача очилаверади. Ковулларда кўплаб ширанектар бўлганлиги учун кўплаб чанглатувчи ҳашоратларни ўзига жалб этади. Кун бўйи асаларилар, кечаси капалаклар, тонгда эса чумолиларни. Қизиқлиги, ковулнинг баъзи турларининг гуллари кечаси очилиб, кўршапалаклар томонидан чангланар экан. Ўзаро бир-бири билан чангланадиган энтомофил ўсимлик хисобланади.



Ўсимлик гулларининг нектари кун давомида таркибидаги қанд моддасининг таркибий хусусиятларини ўзгартирганлиги сабабли, турли ҳашоратлар, куннинг турли вақтларида, гулларнинг ширасидан баҳраманд бўлиб, чанглатувчиларнинг ҳар бири чангланиш мобайнида ўзига яраша рағбатни олар экан. Ўсимликнинг ўзига хослиги шундаки, у мевалар туғиши керак, лекин ўсимлик гулининг яшаш вақти жуда оз, чангловчиларни шундай тарздаги чанглатиши орқали ўсимлик мевалар тугар экан.

Ковуллар – ажойиб асал ўсимлигидир.

Манзарали ўсимликлардан бири.



Меваси – кўп уруғли, резаворсимон, тескари тухумсимон ёки чўзинчоқ-юмалоқ (овалсимон) шаклли (узунлиги 3-6 см, кенглиги 1,5-3 см) узун чўпсимон оёқчада жойлашган, гўштдор, яшил рангли, кўп уруғли, бир нечта мева баргидан ташкил топган, сершира резавор мева сингари бўлади. Сут пишиш давридаги тиконли ковул мевасининг шакли худди бодринг кўринишини эслатади.



Мевасининг шакли турли хил бўлади. Ташки кўриниши (эти) силлиқ юзали, яшил, узунасига оқ йўллардан иборат бўлиб, ички қисми сут пишиш даврида оқиш бўлиб, етилган сари пушти рангга кириб, етилгани тўққизил ширин гўштли этдан иборат бўлади.



Пишган меваси худди тарвуз кўринишини эслатади, лекин ундан фарқи пишиб етилгач 4 та мева пўстлоғи тавақаланиб, учлари букилиб очилиб қолади.



Ва уларда кўп микдорда (300 дан ортикроқ) қўнғир-жигарранг уруғлари жойлашган бўлади.



Үргулари – куртаксимон (буйраксимон), ажойиб, ўзига хос тумшуқли, жигарранг, хира сиртга эга. Уларнинг пўстлоғи жуда мустаҳкам бўлиб сувда бўкиб қолмайди.

Илдизлари – йўғон, кучли, бақувват бўлиб, узунлиги 10-12 м.гача етади. Илдизининг узунлигидан, ковуллар 10 метр ва ундан кўпроқгacha чуқурликдаги ер ости грунт сувларидан намланиб туради.





Қовул – иссиқни севувчи ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлиқdir. Қурук, қуёш нури түғри тушадиган ерларни яхши кўриб, энг оғир ва жуда камҳосил ерларда, айниқса ер ости сувларига яқин тошли ерларда янаям яхшироқ ўсади.

Ғиштли биноларнинг қуий қисми, ғишт ва бетон девор оралиqlарида ҳам жуда яхши ўсади.



Май-июн ойларидан гуллайди, июл – августда меваси етилади.

Ҳаттоқи, ковул бута ўсимлиги ўсадиган ерда ковул асалини таътиб кўриш ҳам мумкин экан.

Ковул – айниқса, асаларичиликда биринчи даражали қимматли сершира ўсимлик ҳисобланади – гуллаш давомийлиги (Ўрта Осиёда май ойи бошидан ноябргача).

Йўқолиб бориш сабаблари. Ўсимликни ёввойи ҳолда ўсадиган ерларида боғлар ташкил этиш ва шаҳар худудларини кенгайиши (урбанизация) натижасида уни йўқ қилиниши, аҳоли томонидан гулшоналарини териш орқали ўсимлик борган сари камайиб бориш эҳтимолига эга.

3. Қовулнинг қимёвий тарқиби ва озукавий қиймати

3.1. Қимёвий тарқиби.

Ковулларнинг шифобахш хусусиятлари уларнинг қимёвий тузилишининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Ўсимликнинг қимёвий тарқиби ҳали тўлалигича ўрганилмаган. Асосий таъсир этувчи модда – гликозид рутин – флавоноид гурухидаги қимёвий органик бирикмалар бўлиб, ўсимликда 5 % миқдорда бўлади. Кон-томир деворларини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, у қимматли моддаларни сўрилишини таъминлайди ва С витамини оксидланишини секинлаштиради, бунинг натижасида унинг таъсири ортади.

Бу ўсимликнинг инсон танаисига таъсири юзасидан олимларнинг турли фикрлари мавжуддир. Ковулларни тиббиётда қадим замонлардан ҳозирга қадар юқумли касалликларни даволаш воситаси сифатида ишлатилган бўлсада, хатто ўша давр табиблари таъкидлашича, улардан фойдаланиш қоринни дам қилиб, қўнгил айнишини келтириб чиқариши мумкинлиги сабабли, ковулнинг баъзи турларини ажратганлар.

Бошқа маълумотларда эса қон босимиға ижобий таъсир этиши келтирилган.

Ковулларда тахминан 85 % сув мавжуд бўлиб, қолган 15 % и фойдали моддалардан иборатдир. Уларда айниқса, А ва С витаминлари кўп миқдорда учрайди.

Ҳамма ўсимликлар қатори ковул ҳам витамин, клетчатка ва органик кислоталарга бойдир.

Уларда алкалоид каппаридин, яна асал шираси (медоноса) ҳам жуда кўп учрайди. Шу сабабли, меваларида қанд, рутин, тиогликозидлар, стероидли сапонинлар, йод, қизил пигмент, мирозин ферментининг борлиги изохланади. Ковуллар таркибида кўп миқдорда витамин С (хар 100 гр да 150 мг), эфир мойлари ва пектин моддаларининг борлиги билан ўз авфзаллигига эгадир.

Ковул таркибида: А, В₁, В₂, В₄, В₅, В₆, Е, К, РР, С витаминлар, уни фойдали хусусиятларини намоён этувчи микроэлементлар эса: темир, калий, натрий, магний, цинк, селен, мис, марганец, фосфор, кальцийни ташкил этади.

Витаминлар миқдори:

Витамин А (Ретинол, Аксерофтол) – 83 мгк,

Витамин В₁ (Тиамин, Аневрин) – 0.018 мг,

Витамин В₂ (Рибофлавин, Лактофлавин) – 0.139 мг,

Витамин В₄ (Холин) – 6.5 мг,

Витамин В₅ (Пантотен кислота, Кальций пантотенат) – 0.027 мг,

Витамин В₆ (Пиридоксин, Пиридоксин гидрохлорид) – 0.023 мг,

Витамин Е – 0.88 мг,

Витамин К (Филлохинон) – 24.6 мкг,
Витамин РР - (Рутин, Биофлавоноид) – 0.652 мг,
Витамин С (Аскорбин кислота) – 4.3 мг,

Микроэлементлар миқдори:

Калий – 40 мг, Темир – 1.67 мг, Магний – 33 мг, Натрий – 2964 мг, Цинк – 0.32 мг, Мис – 374 мг, Селен – 1.2 мкг, Фосфор – 10 мг, Марганец – 78 мкг, Кальций – 40 мг

Калориялиги

100 граммда 25 ккал.

Ёғилиги:

100 граммда 0.9 г.

Гул шоналари ва меваларида кўп миқдорда витамин С, 5 % гача рутин моддаси бор.

Пўстлоғи ва баргларида – стахидрин;

Ковукли ғунча (гул шона)лари ва гули таркибида аскорбин кислотаси (150 мг %), витамин С, флаваноидлар (рутин (0,32 %) ва кварцетин), сапонинлар, бўёқ моддалари, 21-29 % оқсиллар, 3,5-4,6 % ёғлар (бу ёғлар асосан триглицеридлардан иборат бўлиб, уларни асосан таркиби тўйинмаган ёғ кислоталари стеринлар пальмитин, олеин ва бошқалардан иборат). Айниқса, организмда антиоксидант вазифасини ўтовчи рутиннинг ахамияти жуда юқоридир. Рутин организмда кечадиган барча оксидланиш жараёнларини меъёрлаштиришни бошқаришда қатнашади. Кўз қорачиғи фаолиятини яхшилаб, кўриш энергиясини таъминлайди. Рутиннинг миқдори 0,32 % ни ташкил қилиб, яна бошқа фойдали моддалар ҳам мавжуддир.

Каперс гул шоналари таркибида 0,5-1,5 % гача пектин мод-даларининг бўлиши улардан озиқ овқат қўшимчалари сифатида фойдаланиш имконини беради.

Мевалари таркибида – тиогликоз, стероидли сапонинлар, аскорбин кислотаси (23-57 мг %), қандлар (12 % гача). Мирозин ферменти, қизил пигмент, эфир мойлари ва ёғлар, витамин С ва йод, органик кислоталар;

Уруғида – жуда кўп миқдорда ярим қуруқ ҳолдаги 26-36 % миқдорда ёғлар учрайди. 100 гр уруғда 0,9 гр гача тўйинмаган ёғ кислоталари учрайди. Айниқса, тўлиқ пишиб етилган уруғлари таркибида ёғлар кўп бўлиб уларнинг миқдори 36-48 % ни ташкил этади. Гидролизланганда ўзидан хантал эфир мойи ажратадиган тиогликозиди мавжуд. Айрим ҳолларда уруғлар таркибида 35 % гача қизил ўсимлик мойи учрайди. Улардан фармацевтикада кенг кўлланилади;

Илдизида – каппаридин гликозиди мавжуддир.

Ковулнинг шифобаҳаш хусусиятлари хали тўлалигича ўрганилмаган. Итлар устида олиб борилган тажрибаларга асосан, ковул илдизларининг спиртли настойкаси қондаги тромбоцитларнинг фаолиятига таъсир этиб, уларни кўпайтириб, томирларда қон ивишини яхшилар экан. Шу сабабли, ковулни қондаги тромбоцитларнинг етишмовчилиги касалликларида тиббий дори воситалари кўринишида ичиш мумкинлигини билдиради.

Ковуллар – қон босимини туширувчи самараали ёрдамчилардир. Бу усулдан бир неча юз йиллардан бери фойдаланиб келиниб яхши натижаларга эришилган. Фақат, кўп миқдорда истеъмол қилиб бўлмайди, чунки ковул қўнгил айниш, гипотония ва ич қотиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин.

Ковул, айниқса, аёллар учун жуда фойдали бўлиб, уларни истеъмоли организмда онкологик хасталикларни ривожланишидан ҳимоялайди. Уларда бу жараённи таъминловчи флавонол – кверцетин моддаси бўлиб, унинг миқдори бу кичик гулғунчаларда – бир килограм ковулга нисбатан 1500 мкг.ни ташкил этади. Ковуллар билан ҳеч қайси мева ёки сабзавот, бу миқдор бўйича тенглаша олмас экан.

Кверцетин – нимаси билан шу даражада муҳим экан? Кверцетин саратондан ҳимояланишни таъминлайдиган муҳим фойдали моддадир. Кверцетин – ковул таркибидаги жуда фойдали флавонол бўлиб: Бу модда терида юзага келадиган яллигланиш жараёнларини олдини олади, аллергик реакцияларни тез ва самараали бартараф этиб, унинг ҳолати ва кўринишини сезиларли даражада яхшилайди. Бундан ташқари, ушбу модда тўғридан-тўғри инсон ДНКсига таъсири этиб, саратон касаллигидан ҳимояланишга ёрдам беради. Атеросклероз ва бўғим оғриқлари (артроз, артрит) касалликларини олдини олишда профилактика учун қўлланилади

Косметологияда. Ковул ёшлик ва чиройни сақловчи ажойиб ҳимоя воситаси бўлиб, бунга шубҳаланмаса ҳам бўларкан!

Ковул хлорофилга бой бўлиб, ўсимликнинг яшил пигменти кучли табиий антиоксидант ҳисобланади. Ковул гул шоналари ўзининг даволовчи хусусияти билан қон айланишини яхшилаб терига софлик, тетиклик бериши билан гўзаллик манбаи ҳисобланади. Косметологияда ковулнинг дамламаси ва мойи ишлатилади. Испанлар қадимдан ультробинафша нурлар таъсирига қарши табиий восита сифатида юз ва терини намлаш учун ковулдан фойдаланишган. Ундан ташқари ковул ёғидан қуёшда загар учун крем сифатида фойдаланса бўлар экан. У ҳам қуёшнинг ультробинафша нурлардан ҳимоялар экан.

Замонавий тиббиётда ўсимлик таркибини тўлалигича ўрганилмаган. Россияда тиббий амалиётда қўлланиладиган ковулдан олинадиган 8 экстракти Ҳиндистонда тайёрланган ЛИВ-52 комплекс дори воситасининг таркибий қисми бўлиб, тиббий амалиётда фойдаланишга рухсат берилган. Истеъмолга таблетка шаклида чиқарилиб жигар хасталиклирида тавсия этилади.

Ковулнинг истеъмолга яроқли барча қисмларини, “тикончалари учларидан илдизларигача” фойдали деб айтса бўлади. Агар ўсимликнинг илдизларини қайнатиб қўйилса, унда бу қайнатма аллергия, ревматизм, фалажда истеъмол қилиниши мумкин. Янги синдириб олинган новдалари яхши антисептик ва сафро ҳайдовчи восита ҳамdir.

Ковуллар, охирги илмий тадқиқотларда кўрсатилишича организмни аллергенлар, ўсимлик чанглари, кимёвий моддалар чанглари таъсиридан ҳимояловчи кучли таъсирга эга аллергияга қарши табиий восита экан. Бундан ташқари ковуллар геморрой, томирларнинг варикоз кенгайиши ва подаграда шифобахшлигини намоён этади, қон томирларни мустаҳкамлайди.

Гул шарбати ва гул шоналарининг ўзи ҳам иштаҳани қўзғайди ва ҳар қандай ошқозон хасталикларини даволайди. Кичкина ковуллар яна шамоллашга қарши восита ҳам бўлиб, уларни ҳар қандай йиринглаш ёки касаллик юзага келганда ишлатилади.

Бута ўсимликнинг ёш новдаларидан буруштирувчи, антисептик ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида фойдаланилади. Ковул гул шонаси ва сут пишиш давридаги мевасини овқатланишдан олдин бир оз ҳидланганда, уларнинг таркибидаги ўткир моддалар хидининг ўткирлигидан инсон иштаҳасини очади.

Дармонсизликда иммунитетни оширишни истаганлар шуни билиши лозимки, ковулнинг “кучи” асосан табиий исмалоқ ва зайдун ёғи билан биргалиқдаги “учлик”да юзага келади. Одатда бу маҳсулотлардан таркиб топган салатга янги узилган ёки духовкада ёпиб пиширилган қизил ва сариқ булфор қалампири, помидор, қора зайдун ва қизил пиёз қўшилади.

Ковулнинг – гул қайнатмасидан яраларни битишида, юракни бақувватлигини оширишда;

- илдиз қайнатмаси эса оғриқ қолдирувчи восита сифатида;
- меваларини эса тиш оғриғи ва буқоқ касалликларини даволашда;
- пўстлоқ қайнатмасидан асаб хасталиклирида;
- ковул уруғининг ёғидан массажда фойдаланилган.

Маҳсулот калорияси кўпи билан 26 ккал бўлиб, айтиб ўтилганидай, ковул таркибида учувчи эфир мойларининг катта миқдорда бўғанлиги сабабли иштаҳани қўзғатиши мумкин, шунинг учун озишни хохлаганлар учун бу маҳсулотдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозим.

Ковулнинг зарарли ҳусусиятлари

Кўп миқдорда истеъмол қилиб бўлмайди, чунки ковул кўнгил айниш ва қайт қилиш туйғусини келтириб чиқариши мумкин.

Гипотония, ич қотиши ва жинсий заифлик кучайишида ковуллардан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки улар бу касалликларни авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ковуллар аллерген ўсимлик бўлиб, уларнинг таркибида натрий юқори концентрацияда учрайди, шунинг учун ҳомиладор ва эмизикли аёлларда бу маҳсулотни истеъмол қилинганда аллергия қўзғатиши мумкин, шунинг учун ковулларни бу вақтларда истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Гастрит ва ошқозон яраси билан оғриган беморлар маринадланган ва ўткир сабзавотлар, ва шу қатори ковуллар истеъмолидан ҳам чекланишлари керак. Ковуллар таркибидаги рутин - жуда фаол аллерген ҳисобланади, шунинг учун ковулни истеъмол қилиш аллергияга мойил бўлганлар учун тавсия этилмайди. Зарар асосан ковуллар томонидан эмас, балки уларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш туфайли юзага келиши мумкин. Агар тез-тез бу ўсимлик билан бирга анчоус ёки сельд балигини истеъмол қилинса, қон босимининг ошишига дуч келиш мумкин. Муаммо, албатта, ковулларда эмас, балки улар билан тайёрланган таомлар таркибидаги тузнинг кўп миқдорда бўлишидадир. Шундай экан, ковуллардан тўғри

ва соғлом тарзда фойдаланишни ўрганилса, муаммо хам ўз ечимини топади.

Ковулнинг шифобахш хусусиятлари

Табобатда қўлланилиши

Ковуллар жуда фойдали шифобахш хусусиятларга эгадир. Замонавий тиббиёт бу ўсимликни ўзининг зўр оғриқ қолдирувчи, антисептик ва буруштирувчи хусусияти билан иштаҳани очувчи маҳсулот сифатида тавсия этади.

Бу ўсимликнинг фойдаланишга яроқли ҳамма қисмидан қадим замонлардан бери фойдаланиб келинади ва ҳозирда ҳалқ табобатида (гипертония, қичима, сариқ касали (гепатит), неврозлар, бруцеллез (одамга ҳайвонлардан ўтадиган юқумли касаллик, ревматизм)да) ишлатилади. Ковул ревматизмда, яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи восита сифатида таъсир этади. Ковулни метеоризм, қалқонсимон без касалликлари, тиш ва милк касалликларида ишлатилади.

Ўсимликнинг новдаларидан тиббий мақсадларда фойдаланилади – саримсоқ билан майдалангани замбуруғли тери касалликларида ёрдам беради.

Барглари билан биргаликда синдириб олинган янги новдаларидан тайёрланган чойдан яхшигина антисептик восита сифатида фойдаланилади. Бу усулдан араблар ва қадимги греклар самарали фойдаланганлар.

Ковулнинг очилмаган гул шоналари иштаҳани қўзгатувчи хусусиятга эга бўлганлиги учун, юрак-қон томир нуқсонларини даволашда ишлатилади.

Ковуллар жуда нафис ва чиройли гуллаганидан, чангловчи ва асал йиғувчи ҳашоратларни ўзига жалб этади. Айниқса, асалари асалининг таркибида ковул ўсимлигининг фойдали шираларининг мавжуд бўлиши, кўпгина нафас йўли ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда жуда самарали ҳисобланади.

Гулларининг шираси буруштирувчи хусусиятига эгадир, илдиз қайнатмалари эса асабни тинчлантиришга ёрдам беради.

Ковул меваларида кўп миқдорда йоднинг борлиги сабаб, буқоқни даволашда ишлатилади. Янги узилган меваларининг табиий шарбатини сувда аралаштириб кунига бир неча маротаба ичилади.

Ковул шарбатидан яна битмайдиган яраларни, ёш барглари ва новдаларининг дамлама ва қайнатмасидан қандли диабетни даволанади.

Ўсимликнинг баргларидан тайёрланган қайнатмани оғриқ қолдирувчи, енгил сийдик ҳайдовчи, антисептик ва ўт ҳайдовчи восита сифатида фойдаланишга тавсия этилган.

Ковул баргларидан қайнатма

Ўсимликнинг 5 гр миқдордаги майдаланган баргларини 200 мл. Сувда 6 дақиқа қайнатилади, ундан сўнг 2 соат дамланади По истечению указанного времени полученный отвар процедите. Овқатдан олдин кунига 3 маҳал 30 мл.дан ичилади.

Бу қайнатма сафро йиғилишида, сафро ҳайдовчи восита ҳисобланади. Қайнатма, япроги ва новдасидан дамлама сифатида фойдаланилади.

Тиконли ковул – Кибр, капа. Барглари, меваси, илдизи ва пўстини кузда хўллигичаишлатилади. Таъми аччик, табиати иссиқка мойил. Ел ҳайдаш, хўлликни қайтариш хусусиятига эга. Ўткир ревматизм, бўғим оғриқларида хўл капа илдизидан 0,4 мевасидан 0,2 ва баргидан 0,4 олиб, 100 арокқа аралаштирилади ва ҳар куни бир маҳал 3 қун оғриган жойга суртилади.²

Мевасининг қайнатмасидан халқ табобатида милкни мустаҳкамлаш, тиш оғригини қолдириш ва бавосил қасаллигини даволашда ишлатилади. Яраларни битишини тезлатиш учун уларга ковулнинг қуритилмаган гулини шираси суртилади. Шираси билан яна болаларнинг ширинча қасаллиги даволанади (гулни эзиг, сиқиб олинган ширани болаларга ичишга берилади).

Ковулнинг яна, илдиз **пўстлоғи** ҳам жуда фойдалидир. Ундан тиш оғриғида ва оғиз бўшлиғи яллиғланишларида ёрдам берадиган дамлама тайёрланади. Дамламани тайёрлаш жуда оддий: 2 чой қошиқ майдаланган илдиз пўстлоғидан олиб, 15 дақиқа қайнатилади. Дамлама совуши керак, шундан сўнг уни тиндириб олинади. Бу восита невроз ва истериқада ёрдам беради. Ковул илдиз пўстлоғининг қуруқ қукуни йирингли ва оддий яраларни битишида фойдалидир.

Илдиз қайнатмасини сариқ қасали билан қасалланган беморларни даволашда берилади. Қадимги Араб шифокорлари ковул илдизларини аллергия, шол ва ревматизм билан оғриганда ишлатганлар.

Фойдаланиш шартлари: 2 чой қошиқ қуруқ илдизларини 10-15 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади, 1/2 соат димлаб, тиндирилади. Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади

Илдиз қайнатмасидан талоқ ва жигар қасаллиги – гепатитда фойдаланилади. Ўсимликнинг янги олинган илдиз пўстлоқларини оғиз бўшлиғи қасалликлари ва тиш оғриғида чайналса яхши натижа беради. Бугунги тиббиётда ковулли қайнатмадан оғриқсизлантирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Ковул илдизидан тайёрланган 25 % ли қайнатма ва дамламаси қон оқишлиарни тўхтатиш хоссасига эга эканлиги экспериментда (ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда) тасдиқланган. Шунинг учун бу доривор препаратлар

² Азимжон Жўраев. Халқ табобати.

илмий тиббиётда ичдан, бавосил касаллигига ва бошқа қон оқишлиарда уларни тұхтатувчи восита сифатыда ишлатишга тавсия қилинган.

Ковул илдизи дамламаси

15 гр қуруқ майдаланган илдизни 500 мл қайнок сув қуилади, идиш устини қалин сочиқ билан ёпилиб 2 соат дам едирилади, кейин сузіб олинади. Овқатланишдан олдин 100 мл.дан кунига 3 маҳал ичилади.

Ковул илдизидан қайнатма

200 мл сувга 15 гр қуритилган илдизларни солиниб, идишни сув ҳаммолида 15 дақиқа қайнатилади. Идишни қопқоқ билан ёпиб ярим соат дам едирилгандан сүнг сузіб олинади. Эрталарб, тушлик ва кечки вактда 15 мл.дан ичилади.

Пазандачилиқда құлланилиши

Нима билан ва қандай истеъмол қилинади?

Аввало – тушунчаларни аниклаштириб оламиз. Ковул таомга ўткир таъм берувчи зиравор бўлғанлиги учун, уни тўғридан-тўғри, шунчаки, истеъмол қилиб бўлмайди. Ковуллар хом ҳолатда истеъмолга яроқли эмас, уларни кўпроқ тузли уксусда маринадланган ёки консерваланган холида ишлатилади.

Овқатга қаттиқ гул ғунчаси янги узилган, зираворлаб, сиркаланган ва тузланган холида ишлатилади.

Пазандачилиқда қовулнинг гулшоналарини тузланган, маринадланган, қайнатилган ҳолда таъмни яхшиловчи ўткир зиравор сифатида фойдаланилади.

Маринадланган ковулларни зиравор сифатида совук закускаларга (яхна овқатга), соусларга, турли гўштли ва балиқли салатларга, қовурилган, грилда пиширилган, димлаб пиширилган балиққа, гўштга, парранда ва балиқли таомларга қўшиб берилади. Сельдь балиғидан тайёрланган салат, помидорли таомлар ва турли салатлар билан бирга бериладиган иссиқ оқ соусларнинг асосий масаллиғи ҳисобланади.



Уларни мазасини хантал ёки қора мурч мазасига таққосласа бўлади. Тузланган ва маринадланган ковулнинг ўткир, нордон, кислотали, бир оз хантал таъмли таъми таомга ёқимли ўткир хушбўй таъм беради.

Балиқли, қўй ва қуш гўштидан тайёрланган таомларга маринадланган ва консерваланган ковулли соус ҳолида, шўрва ва салатларга эса ўткир таъм бериш учун зиравор сифатида фойдаланилади.

Ковулларни пищаларга зайдун билан биргаликда ёки унинг ўрнига ишлатилса ҳам бўлар экан.

Ковуллар Ўртаерденгизи хушхўр ўтлари (жамбил, райхон, самсоқ ва бошқ.) билан, яна, маринадланган ва тузланган зайдун билан ҳам мослаша олар экан.



Сувидан силқитилган қуруқ, шўр ковуллар

Греклар ошхонасида ковул баргларидан фойдаланиш усулларини ҳам топишган. Уларни қайнатиб ёки маринадлаб салатлар ва балиқли таомларга ишлатадилар. Ковулнинг қуритилган баргларидан ачитки сифатида грекча пишлоқларни тайёрлашда ширдор ўрнида фойдаланишади.

Ўзбеклар ва арманлар ошхонасида ковулнинг етилиб пишган меваларини ишлатадилар.

Ковулни камдан-кам ҳолатда бутунлигича истеъмол қилинади. Уларнинг кучли шўр таъми таомга бир меъерда араласиши учун одатда туз ёки кўкатлар билан аралаштирилади ёки майда қилиб тўгралади. Специфик таъми ва ёқимли ҳидини саклаш учун ковулни таом тайёрлаш охирида қўшилади.

Ковулни борш ва тузламаларга оз миқдорда кўшса ҳам бўлади, бу ҳолатда туз солишнинг ҳо-жати



сезилмаслиги ҳам мумкин. Ковулни истеъмол қилишдан олдин яхшилаб ювилади ёки таркибидаги шўрни ювиш учун сувда ивитилади.



Ковулларни гўшт, дудланган балиқ, денгиз маҳсулотлари, томатлар, ширин булғор қалампир, зайдун, турли мойлар, юмшоқ пишлоқ ва тухум билан истеъмол қиласа бўлади.

Ковулни борш ва тузламаларга оз микдорда қўшса ҳам бўлади, бу ҳолатда туз солишининг ҳожати сезилмаслиги ҳам мумкин. Ковулни истеъмол қилишдан олдин бир неча марта яхшилаб ювилади ёки таркибидаги ортиқча шўрни ювиш учун сувда ёки содали сувда ивитилади. Ковулни камдан-кам ҳолатда бутунлигича истеъмол қилинади.



Ковулларнинг кучли шўр таъми таомга бир меъёрда аралашиши учун одатда майдаланган ҳолда бошқа турдаги зираворлар, туз, кўкатлар билан аралаштирилади ёки алоҳида ҳолда майда қилиб тўғраб ҳам ишлатса бўлади.

Қўллашдан олдин туз микдорини камайтириш учун ковулларни яхшилаб ювилади. Унутмаслик озимки, маринадланган ковулларни таомларга қўшганда, таомни меъёрида тузланади ёки умуман туз солишини ҳожати ҳам бўлмайди.


Ковуллар ҳам ҳудди натрий глутаматга ўҳшашиб таом маъзасини оширади



*Эсда туттиш лозимқи, қовуллар қўпроқ зиравор ҳисобанади,
шунинг учун уларни қўп миқдорда ишлатиш шарт эмас, ҳар
бир порция учун бир чой қошиқ қўшиш етарли.*

Узоқ муддат иссиқлик ишловидан ўтолмаслиги сабабли улардаги эфир мойларининг учувчанинг олидини олиш мақсадида, специфик таъми ва ёқимли ҳидини сақлаш учун ковулни таом тайёрлаш охирида қўшилади.

*Бу жуда муҳим ҳисобланади: Одатда, уларни тайёр таомларга
қўшилади. Худди бошқа зираворларга ўхшаб, уларга қайта ишлов
бериш талаб этилмайди*





Овқатта ковул гул шоналарини тузланган ёки маринадланган холда ишлатиш тавсия этилади. Уларни тупидан йиғиб, саралаб, қуёш нурида қуритилгач банкаларга жойланади. Уларга туз сепиши мүмкін ёки зайтун ёғига үхшаш ёғ, намакоб ёки тузли узум сиркаси билан идишни тұлдириш мүмкін.



Пазандачиликда ўсимликнинг очилмаган диаметри 1 см. атрофидаги гул ғунчаларидан ташқари ёш мевалари (сут пишиш давридаги) ҳам ишлатилади. Баъзан, гул шоналарининг ўрнига ғўра ва маринадланган ёш новдалари ишлатилади. Яна, ғўралари (сут пишиш давридаги мева)ни янги узилган ҳолича истеъмол қиласа бўлади.



Пазандаликда фойдаланиладиган ковул ўсимлигинингқисмлари:
а) гул шоналари (куртаклари), б) ғўралари (сут пишиш давридаги мевалари),

Маринадланган ковулларни француз ошхонасининг классик туридаги тар-тар (tartare), равигот (ravigote), ремуляд (remoulade) ва ковулли соус (saucecdpres)ларига қўшилади, уни велуте (sauceveloute) соуси асосида, сариёғ, қаймоқ ва ковул қўшиб тайёрланади.



Тузламада маринадланган ковуллар

Ковулнинг мевалари ҳам истеъмолга яроқлидир. Етилиб пишган меваларидан яхшигина мураббо пишириш мумкин.

Ковул меваларининг қуриган пўстлоқларидан эса, қадимги греклар таомларни шириналаштириш мақсадида фойдаланишган экан.

Ўзбеклар ва арманлар ошхонасида ковулнинг етилиб пишган меваларини ишлатадилар.



Ковулни таомларга қўшиб истеъмол қилиш жуда фойдали бўлгани учун, хаттоқи, интернетнинг **Википедия** сахифаларида бунга жой ажратилган. Шундай экан, ўз атрофимизда ўсадиган жудаям фойдали ва ҳамёнбоп бу ўсимликка бефарқлик билан қаралмасдан, унутилаёзган ҳом-ашёдан уй шароитларимизда тиббий ва бошқа озукавий мақсадларда фойдаланишни йўлга қўйсак жудаям фойдали бўлар эди.

Ковулларни тансик таомга айланishi

Ковуллар бошқа хил турдаги ҳом-ашёлар билан мослаша олади, мисол учун амалда қўлланилиб, истеъмолга тавсия этилганлари:

- Зайтун ва саригёғ билан;
- Майонез
- Қўй ва мол гўшти
- Товуқ гўшти
- Денгиз маҳсулотлари,
- Тузланган ва дудланган балиқ, анчоуслар,
- Тузланган бодринг,
- Пиёз,
- Макарон,
- Зайтун,
- Помидор, булғор қалампири,
- Сельдер,
- Моцарелла, фето ва бринза,
- Тухум, эстроген, петрушка, укроп билан.

Ковулли таомлар тайёрлаш усуслари

Ушбу таомномаларда турли миллатлар ошхоналарида тайёрланиб, суйиб истеъмол қилинадиган таомларнинг баъзиларини тайёрланиш усуслари келтирилган. Ҳозирги вактда бу ўсимликни факатгина

тузланган ва қуритилган ҳолда четга экспорт қилинмоқда. Бу ўсимлик ўзимизнинг ён-верларимизда кўплаб ўсади, лекин нима мақсадда ишлатса бўлади, айнан қандай таомлар тайёрлашда фойдаланса самараси яхши эканлиги хақида бир оз тушунчаларимиз йўқолиб боргандай. Бу таомларни ўзимизнинг уй шароитларимизда ҳам тайёрлаб, ўз қунлик рационимизга қўшсак яна бир янгилик бўлар эди деган мақсадда ушбу таомларнинг тайёрланиш усулларини ҳам ушбу кўлланмамизга қўшишни маъқул деб билдик.

Ковулли майонез рецепти.



Бунинг учун майонезни хантал билан аралаштириб, аралашмага майда тўғралган ковулларни қўшилади. Бундай майонезни гўшт ёки қуш паштети билан истеъмол қилса бўлади.

8.2. “Папенада” соуси



Масалликлар:

- Ковул – 2 ош. қош.
- анчоусли филе – 4 дона,
- янги тимьян – 1 ч. қ.,
- зайдун мевалари – 2 чашка,
- зайдун ёғи – 2 ош қ.,
- петрушка – 3 ош қ.

Тайёрланиши:

Ковул, анчоус балиғи, тимьян ва зайдунни (данагини олиб ташаланади) блендерга солиб, паста ҳолига келгунча аралаштирилади. Зайдун ёғи қўшилиб, истеъмол қилишдан олдин майдалангандан петрушка

билин безатиб берилса бўлади. Соусни балиқ ва балиқли таомлар билан тортилса яхши.

Макаронли таомлар билан



Ковул билан макаронли таомлар ҳам тайёрласа бўлади. Бу жуда оддий. Бир неча бўлак саримсоқ, бир озрайхонни олинниб, барчасини яхшилаб майдалаб, унга помидорни тилимлаб кесиб соламиз. Яхшилаб аралаштириб – шаклга келтириб, идишга солиб устидан ёғ суртилади, устига озгина туз сепиб, бир ҳовуч нон бурдалари ва бир ош қошиқ органо сепилади. Тайёрланган массани ярим соатга яқин духовкада пиширилади. Макаронни чалароқ пишгунга қадар қайнатилиб, тайёрламага қўшиб аралаштирилади. Устига пишлок сепиб – 5 дақиқага яна духовкага қўйилади. Тайёр таомга 20 грамм миқдорда ковул ҳам сепилади.

Қовулли ёғ:



Ошхона комбайнинда тузсиз сарифёғ, майдаланганди ковулни аралаштирилади. Саримсоқ, қизил пиёз, укропни майда тўғраб бирга аралаштирилади. Майдаланганди қора мурч қўшилиб таъми таъбга қўра яхшиланади.

Макаронли, балиқли таомлар учун қовулли соус.



Масаллиқлар:

1 та қизил булғор қалампир, 1 ош қошиқ зайдун мойи, 2 бўлак саримсоқ, 1 ош қошиқ ковул, 1 ош қошиқ райхон.

Таъёрлаш усулι:

Зайдун ёғида эзғиланган саримсоқ билан булғор қалампир қаламчаларини тезлик билан қовуриб олинади. Консерваланган тунец билан бир қошиқ ковул ва тўғралган райхонни аралаштирилади. Қайнатилган макарон ёки балиқли таомлар билан берилади.

Поматли соус



Масаллиқлар: 4-5 та помидор, 2-3 бўлак саримсоқ, 1 ош қошиқ ковул, ош кўк, зайдун мойи

Таъёрлаш усулι:

Помидорнинг этини ажратиб олиб, эзилади. Саримсоқни майдаланиб тўғралган ковуллар билан аралаштирилади. Устига кўк ва зайдун мойи солиб дастурхонга тортилади.

8.7. Майонезли тар-тар соуси



Жудаям мазали! Соусни гўшт, балиқ ва сабзавотлар билан берса бўлади.

Масалликлар:

200 г майонез, тузланган бодринг, 1 ош қошиқ ковул, 1 бир боғлам тўғралган укроп, 2 бўлак саримсоқ, майдаланган қора мурч.

Тайёрланиш усули:

1. Ўртача тишли қирғичдан бодрингни чиқарилиб, ортиқча сувини олиниб, майонез ва хантал билан аралаштирилади. Ханталнинг ўткир турларидан фойдаланилса янайм хушхўр бўлади.

2. Ковул ва укропни майдаланади. Саримсоқни майда қирғичдан чиқарилади ёки эзғичдан фойдаланиб эзғиланади.

3. Ҳамма тайёрланган масалликларни бирлаштириб, аралаштирилади. 30 дақиқа совутгичга қўйилгач соусимиз тайёр бўлади.



Сувидан силқитилган қурук, шўр ковуллар

Греклар ошхонасида ковул баргларидан фойдаланиш усулларини ҳам топишган. Уларни қайнатиб ёки маринадлаб салатлар ва балиқли таомларга ишлатадилар. Ковулнинг куритилган баргларидан ачитқи сифатида грекча пишлокларни тайёрлашда ширдор ўрнида фойдаланишади.

Ўзбеклар ва арманлар ошхонасида ковулнинг етилиб пишган меваларини ишлатадилар.

Ковулни камдан-кам ҳолатда бутунлигicha истеъмол қилинади. Уларнинг кучли шўр таъми таомга бир меъерда аралашиши учун одатда туз ёки кўкатлар билан аралаштирилади ёки майда қилиб тўғради. Специфик таъми ва ёқимли ҳидини сақлаш учун ковулни таом тайёрлаш охирида қўшилади. Ковулни борш ва тузламаларга оз миқдорда қўшса ҳам бўлади, бу ҳолатда туз солишининг ҳо-жати сезилмаслиги ҳам мумкин. Ковулни истеъмол қилишдан олдин яхшилаб ювилади ёки таркибидаги шўрни ювиш учун сувда ивтилилади.



Овқатга ковул гул шоналарини тузланган ёки маринадланган ҳолда ишлатиш тавсия этилади. Уларни тупидан йифиб, сарапаб, қуёш нурида куритилгач банкаларга жойланади. Уларга туз сепиш мумкин ёки зайдун ёғига ўхшаш ёғ, намакоб ёки тузли узум сиркаси билан идишни тўлдириш мумкин.

Маринадланган ковулларни француз ошхонасининг классик туридаги тартар (tartare), равигот (ravigote), ремуляд (remoulade) ва ковулли соус (saucepres) соусларига қўшилади, уни велуте (sauceveloute) соуси асосида, сариёғ, қаймоқ ва ковул қўшиб тайёрланади.

Маринадланган ковулдан – шўрва, қуш, балиқ ва чўчқа гўштидан тайёрланган таомларга ўткир таъм берувчи қўшимча сифатида фойдаланилса бўлади.

Маринадланган ковулларни фойдаланишдан аввал, 9 ой мобайнида холодильнике маринадда сақлаш лозим. Шўр, қуруқ ковулларни хона ҳароратида ярим йил мобайнида сақласа бўлади.

Баъзан, янайм юмшоқроқ ва табиий таъм олиш учун маринадланган ковулни кунжут ёғига зира ва розмарин қўшиб ивитилади, лекин бу усульнинг қўллаганда ковул таркибида витамин ва минераллар ўз таркибига қайтмаслиги мумкин.

Ковулнинг мевалари ҳам истеъмолга яроқлидир. Уруғидан озуқа ёғи, илдизидан эса – бўёвчи восита олинади.

Ковулларни тансиқ таомга айланиши

Ковуллар бошқа хил турдаги ҳом-ашёлар билан мослаша олади, мисол учун амалда қўлланилиб, истеъмолга тавсия этилганлари:

- Зайдун ва сарифёғ билан;
- Майонез
- Кўй ва мол гўшти
- Товуқ гўшти
- Денгиз маҳсулотлари,
- Тузланган ва дудланган балиқ, анчоуслар,
- Тузланган бодринг,
- Пиёз,
- Макарон,
- Зайдун,
- Помидор, булғор қалампири,
- Сельдер,
- Моцарелла, фето ва бринза,
- Тухум, эстроген, петрушка, укроп билан.

Консерваланган ковуллар



Керакли маҳсулотлар:

0,5 л банка: 300 гр ковул, 200 гр заливка; Заливка учун: 1 л сувга – 30 гр туз.

Тайёрланиши усули:

Йўл ёқаларида ёввойи ҳолда ўсувчи ковулнинг 5 дан 12 мм.гача катталикдаги очилмаган янги узилган гул шоналарини иссиқ сувда яхшилаб ювиб, сувидан силқитиб, қуритилиб, ҳажми 0,5 литрли бан-каларга териб чиқилади. Тузни сувда эритиб қайнаш даражасига олиб борилиб, сўнг оловдан олинади. 1 чой қошиқ 80 % ли уксус кислотаси қўшиб, ушбу заливкани ковулларга қуйилади. Банкани яхшилаб қайнатилган металл қопқоқ билан ёпиб қайноқ сувда 10 минут давомида стерилизация қилиб, сўнг банкани аста-секин айлантирамиз.

Сувда тузни эритиб, қайнаш даражасигача олиб борилади, ўтдан олиниб, 1 чой қошиқ 80 %-ли сирка кислотаси қўшилади ва бу заливкани ковуллар устидан қуйилади. Банкаларга қайнатилган метал қопқоқларни ёпилади ва 10 дақиқа мобайнида қайноқ сувда стерилизация қилинади, ундан сўнг банкаларни аста-секин айлантирилади.

Ковулни ийғиб олиш ва қайта ишлаш

Ковулнинг гул шоналари, гуллари, ғўралари (сут пишиш давридаги мевалари), мевалари, уруғлари, илдизи ва илдиз пўстлоғидан фойдаланилади.

Истеъмол учун ковулнинг (*Floscapparis*) навининг гул шона-ларидан фойдаланилади. Ковулнинг очилмаган гул шоналарини май ўрталаридан бошлаб сентябр ойи охиригача териб олса бўлади.



Гул шоналарини (10 мм.га етмаган) мунтазам равишда бутун ёз мобайнида ийғиб олинади.

Одатда, ковул куртакларини қайта ишлаш қийин ва узоқ вақт талаб этади. Гул шоналарини териш – бу бир маросимдай инсонга хушкайфият бахш этади.

Уларнинг гулламаган куртакларини эрта тонгда қўлда терилиб, энг яхшиларини ажратиб, очиқлиқда, қуёш нури остида қоқлаб, қадимий кўрсатмаларга биноан тайёрланади. Ковулларни ҳали очилмаган катталиги 20 мм атрофидаги гул ғунчаларини йиғиштирилади. Энг фойдали ва юқори қийматга эга бўлганлари 1-1.5 см катталикдагиларидир. Ана шундай ўлчамдаги гул ғунчаларини ҳар 8-10 кунда териб олиш мумкин.



Ковулни сақлашнинг энг яхши усуллари бу маринадлашdir, аммо ўртаерденгизи мамлакатларида уларни тузлашади.

Ковул меваларининг яхши сортлари худди узумга ўхшаб кўп маблағ келтиради. Ковулни етиштиришга кетган ҳаражатлар оз маблағни ташкил этганлиги сабабли, унинг энг яхши навларидан келадиган фойда узум савдоси билан тенглаша олиб, бир мавсумда ковулнинг битта бута ўсимлигидан 3 кг.га яқин гул шоналарини йиғиштириб олса бўлади. Айниқса, катталиги камида 1 см.ли кичкина гул шоналари қадрланади. Ковул мевалари ширин ва сувли бўлиб, уларни одатда, янги ҳолича истеъмол қилинади, ёки яхши пишган меваларидан ширин мураббо тайёрласа бўлади.

Баргларини салатлар тайёрлашда фойдаланилади.

Амалда, ковулни сақлаш муддатини узайтириш мақсадида уни зайдун ёғисиз уксус ёрдамида маринадланади. Ковулни қийматини ошириш учун уларни янги маринад ҳолида сақлаш ҳам яхши натижа беради. Зайдун ёғини италян ўтлари, розмарин, жамбил, орегана билан сув ҳаммомида қиздирилади. Маринадланган ковулли банкадаги уксусли маринадни тўкиб, ковулларни бир неча марта совук сувда чайиб олиниб, қуритиб идишдаги маҳсулотнинг ҳажми баробарида иссиқ ёғ билан тўлдирилади. Ковуллар совугач, уларни 2-3 кунга холодильникка қўйилади, шундай ҳолатда уларни хушбўй таъмли ҳолатда истеъмол қилса бўлади.



Сут пишиш давридаги ковулни май охирлари ва июн бошларида йиғиштирган маъқул. Йиғилган ковулларни саралаб, яроқсиз, сифатсизларини ажратиб, уч кун қуёш нурида қуритиш учун ёйиб қўйилади. Тайёр бўлгач ковулларни шиша банкага солиб, зайдун ёғи қўйиб, туз, лимон ва бутун гармдори қалампири қўшилади. Қишининг совук кунлари бошлангунча, ковулларни маринадлаш учун шундай ҳолатда қолдирилади.

Меваларини эса июл ёки август ойларида пишиб етилгач йиғилади. Йиғиштириб олинган меваларни озгина қуритиб, сараланиб, оғзи маҳкамлаб ёпиладиган қоғоз халталарда сақланади.

Ёввойи ковул тарқалган ерларда унга уй шароитида қадимий усулда ишлов бериб, қайта ишланса бўлади. Ёввойи ҳолда ўсувчи ковулни тансиқ маҳсулот ҳолига келтириш учун зайдунга ишлов беришга ўхшаш узоқ ва сермашаққатли вақт керак бўлади: кичкина ҳали очилиб гулламаган гул шоналарини эрта тонгда қўлда терилиб, сузгич (сита) ёрдамида сараланиб, офтобда қуритилиб қадимги тайёрлаш усулига асосан тузланади ёки маринадланади.



Мисол учун, гул шоналари устидан тузли қайнатмани пуркаб, тузли ва уксусли эритмада бир неча маротаба маринадли эритмани алмаштириб сақланади ёки аралашмага зайдун ёғи, туз қўшилади. Ковуллар тузламада етилиб, тўқ-яшил рангга кириб, мустаҳкам зичликка эга бўлиши учун камидаги 3 ой вақт кетади.

Ковулларни маринадсиз тузлашда уларни шиша идишга жойлаб устидан туз сепилади, бундай қилинганда уларнинг таркибида шарбати чиқиб қурийди ва улар узоқ йиллар мобайнида сақланади

Ковулларни истеъмол қилишдан олдин маринаддан керакли миқдорда олинади, қолган қисмини эса банкада сақланади. Очилган банкани узоқ вақт мобайнида холодилнике сақласа бўлади.

Тузланган ковулларни хона ҳароратида 6 ой мобайнида сақлаш мумкин.



Ковул ўсимлигининг илдиз қисмини кузда қайта ишланади, қазиб олиниб ювилади ва қуритилади.

Ўсимлик илдизини тиббий мақсадларда эрта баҳор ёки кеч кузда қазиб олинади. Тупроқдан тозалаб, ювилади ва ёруғликдан ҳоли шамоллатиб туриладиган хоналарда қуритилади. Қуритилган хом-ашёни оғзи махкамланган қоғоз халталарда сақланади.

Қадимги юнонлар таомлар таъмини яхшилаш мақсадида ковул меваларини қуритганлар. Тузли маринадда ковул меваларининг таъми ва ҳиди жудаям ўткир бўлади. Ковулнинг ёш новдалари ва баргларини салатлар тайёрлашда ишлатилади ёки куртаклари билан маринадлаш мумкин.



Ёш новдаларини гул шоналари билан бирга кесиб олинади. Уларни қуритилади, тузланади ёки маринадланади.



Ковуллар – XIX аср охирла-рида Люсьеном Оливье томонидан ўйлаб топилган “Оливье” салати-нинг муҳим масаллиғи ҳисобланиб, бу сирли масаллиқни кейинроқ ноёб, танқислашиб кетгани боис – тузланган бодринг, қисқичбақа бўйинини – қайнатилган сабзи, булдуруқ ва тилни – товуқ гўшти ёки докторский колбасаси билан алиштирилган.

Авваллари Фарфона водийсида ковул уруғларидан бошқа ўсимлик мойларидан қолишмайдиган озуқа мойи олинган.

Қайта ишланган меваларидан уксус, сироп ва вино тайёрлаш, илдиз қисмидан эса – табиий бўёқлар олиш мумкин. Ковул илдизлари – бўёқ олишда ажойиб ҳом-ашё бўлиб, матоларга жигарранг-яшил тус беришда фойдаланинار экан.

Ҳозирда ковуллар ўзининг сирли қадрини йўқотиб қўймоқда. Халигача бу тузланган яшил гул шоналарига, улар қандай мева эканлигига ва уни нима билан истеъмол қилиш мумкинлигига бошқача қарашлар билан қаралмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. К. Х. Ходжаматов, К. Ю. Юлдашев ва бошқ. Шифобахш гиёхлар – дардларга малҳам. “Ўзбекистон”. Тошкент. 1995 йил
2. Болотов Б. Программа здорового питания академика Болотова. — Питер, 2011. — 320 с.
3. Махлаюк, В. П. Колючие каперсы // Лекарственные растения в народной медицине. — М.: Нива Россия, 1992. — 544 с.
4. С. Таржимаси. Редактор Грошавен Е. Изд. «Внешсигма», М. 2000. «Декоративные растения» китоби маълумотларидан фойдаланилган.
5. Алберто Салгуеро. Ковулник колючий. Фото: википедия.org
6. Источник: Your-Diet.ru
7. Основная статья: [Виды рода Каперсы](#)
8. По информации базы данных [ThePlantList](#) (2013), род включает 181 вид^[5]. Некоторые из них:
 9. Источник: [ourflo.ucoz.ru](#)
 10. Елена Селиванова. Специально для Your-Diet.ru – фитнес-тренер. Дата публикации: 12 февраля 2010 г.
 11. Александр Андронов. Рубрика: [Еда и кулинария](#) 13.09.2011